

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 26 март, чоршанба

№25 (11.516)

Эркин нарҳда сотилади

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг муштараклигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:**

1. Куйидагилар қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:
  - а) сугорма дехқончилик ҳамда сугорилмаган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юретиш тизимини ривожлантириш;
  - б) қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб бериувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш;
  - в) хўжалик юретишини ширкат, фермер ва дехқон хўжалиқлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларида сақлаб қолиш, истиқболда асосий

қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг устувор йўналиш сифатида белгилаш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

- а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг тақлифларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини умумлаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етиштириш прогноз кўрсаткичлари республика ва минтақалар даражасида белгиланади;
- б) қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари хўжалиқларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштирадilar;
- в) хўжалиқлар ўз меҳнати

(Давоми 2-бетда).



## ВИЛОЯТДА КЕЗАР НАВРЎЗ ШУКУҲИ

**Бу кўнра ва ҳаммаша навқирон она заминда шундай қадриятлар, маросимлар, байрамлар борки, улар бутун миллатнинг қадди-бастини, маънавиятини, ўтмишига келажagini, бугунги қамолчи қанотли орзу-умидларини ўзида яққол ва ёрқин гавдалантиради. Минг-минг йиллар мобайнида янги-янги аёллар қалбидан чуқур жой олиб, ҳар баҳор қурбончилигимизни, кутубхона, баҳамжисатлик, яратилиш ва янгилик руҳини олиб келувчи Наврўз олам Ўзбекистон халқлари учун ана шундай бахорий бир байрам бўлиб қолди.**

Ҳар бир янги кўннинг ўз моҳияти, мақсади, ҳосиласи бўлади. Шу маънода Наврўз мустақил юртимизда ҳар уриб айланувчи, бунёдкорлик, яратиш, ҳар бир озода инсон, ҳар бир хонадон, бутун мамлакат тахти-бахтини барқарорнинг дебонаси — йилбошидир. Наврўз фасллар эркиси — баҳорнинг ҳусни-насимини шаҳар ва қишлоқларга етказувчи янги кўндир. Биз уни ҳаммаша алоҳида бир интиқлик билан кутамиз. Наврўз шукҳидан янги руҳ, янги ишонч, янги кўч олиб, Навоий бобомиз айтмоқчи, ер ҳайдаб, уруғ сочамиз ва эл-юрт ризқ-насибасига йўл очамиз.

Наврўзи оламини дийрмиш халқларга ун иккинчи бор эмин-эркин, шод-хуррамлик билан нишонладилар. Байрам тантаналари мустақил Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг муҳташам спорт мажмуида субҳидамги қарнай-сурнай,

ноғора-доиралар садоси оғушида бошланди. «Ўзбекистон» спорт саройига йилгилан пойтахт меҳнатқашлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллари, чет эл дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг намоёндаларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Наврўз байрами билан муборакбод этди.

Бугун гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ёшувари — барча қурбончилигимиз доимо оракиб кутадиган Наврўзи оламга пешов чимқоқда — леда Юртбошимиз — Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, ҳамки тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагидан ҳам янги-янги орзу ва интиқлар, шодлик ва қувонч, севиғи ва ҳаётга муҳаббат хислари уйғонади. Янги кўн тунги Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларига мана шу

хис-туйғуларни олиб келди. Ангрэн ва Олмаликда, Бўстонлик ва Паркентнинг тоғ қишлоқларида, Чиноз ва Окўрғон томонларда — вилоятимизнинг барча гўшаларига Наврўзи олам алоҳида бир бағриқанглик ва саховат нурларини соди. Охангарон қиру далалари яшнаб, Бекобод, Келес, Янгийўл ва Янгибозор томонларда галлазорлар ям-яшил селпинди. Зангиота боғларидан ўрик гуллари атри таралди.

Чирчиқ шаҳрида баҳор айёми муносиб кутиб олиниб, шоду-хуррамлик билан нишонланди. Майдонлар ва кўчалар ҳар қачонгидан орасталанган, ҳибоблар, уйғонғолар ва кўпдан-кўп қирилочлар муассасалар байрамага берган. Ҳамма жойда — меҳнатқашларнинг байрам тантаналарига қурловчи ал-вонлар.

Чирчиқлик оқсоқоллар эрта тонгда тўкин дастурхон атрофига тақлиф қилиндилар, дошқозонларда дамланган ош, сумалак ва бошқа кўлам ноз-неъматлари тортиди. Кексаларнинг оқ фотиҳаси олинган, умумхалқ тантаналари бошланиб кетди. Беш ярим минг ўринли ўйингоҳ, истироҳат боғи ниҳоятда гавжум бўлди. Бу ерда республикамизнинг машур санъаткорлари, бадийи (Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАР: Наврўз байрамидан лавҳалар. Зиёвуддин ХОЛИҚОВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.  
Тошкент шаҳри, 2003 йил 24 март

- Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:
1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида.
  2. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
  3. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
  4. "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
  5. "Банк сирли тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
  6. "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
  7. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
  8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
  9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.
- Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.



## АЁЛЛАР ТАРИХИ ОЙЛИГИ

Март ойи АКШда аёллар тарихи ойлиги деб эълон қилинган.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Хамдўстлик» аёллар клубида аёллар тарихи ойлигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатётган америкалик олимпиада аёллар иштирок этишиди.

— Аёл хоҳ америкалик бўлсин, хоҳ африкалик, барибир у аёл, — деди Тошкент давлат шарқшунослик институти докторанти Гулҳумор Тўйчиева. — Ҳаммасининг ҳаёт тарзи, дарди бир. Дунёдаги барча аёллар учун муқаддас туйғу оила ва фарзандлардир. Америкалик аёлларнинг мен кадрлайдиган фазилятларидан бири, уларнинг фарзанд тарбиясига ўта талабчанлиги ҳисобланади.

Давра суҳбатида америкалик аёллар ўзларининг ҳаётий тажрибалари ҳамда уммон орти аёллари ўз муаммоларини қандай ҳал этаётганлиги ҳусусида сўзлаб беришди. Кибрай тумани ҳокимининг ўринбосари Шохида Бобокалнова АКШда ўтказилаётган аёллар тарихи ойлиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди.

«Туркстон-пресс».

## «ЯНГИ ЖАМИЯТ УЧУН ЯНГИ КУТУБХОНА»

Бўстонлик тумани марказий кутубхонасида Ўзбекистон Очик Жамият Институти, Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси, вилоят «Турон» илмий университет кутубхонаси, туман ҳокимлиги ва марказлашган кутубхоналар тизими ҳамкорлигида семинар-тренинг ўз ишчи бошланди.

Унда Ўзбекистон Қарақалпоғистон, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Озод Шарофидинов, «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти, Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси раиси Наим Каримов, шунингдек, республика кутубхоналари, вилоят шаҳар ва туманларидаги марказлашган кутубхоналар тизими раҳбарлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этишмоқда.

Уч кун давом этадиган ушбу семинар-тренингнинг ўтказишдан қўзланган асосий мақсад вилоят шаҳар ва туманлари марказий ҳамда жойлардаги қишлоқ кутубхоналарининг бугунги фаолиятини ўрганиш, уларда учраётган муаммолар, камчиликларни биргаликда ҳал этишдир.

Чунончи, кутубхоналарда бугунги кунда ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий адабиётлар, ҳатто хорж тилларидаги адабиётларга эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлиги, бу эса ўз-ўзидан қўшимча маблағ, шунингдек, хомийлар ташаббусини талаб этиши ҳеч кимга сир эмас.

Семинарнинг иккинчи ва учинчи кунларида нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, хотин-қизлар қўмиталари ва ташаббускор гуруҳларнинг вакиллари билан давра суҳбати ўтказиб режалаштирилган. Семинар сўнггида эса, кутубхоначилар ўртасида кутубхоналар ишини ривожлантириш бўйича тақлиф ва мулоҳазаларга асосланган сўровнома ҳам ўтказилди.

Ўз муҳбиримиз.

## Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2003» танлови якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бугун Тошкент шаҳрида ушбу республика танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Маълумки, етти йилдан буюн Ўзбекистон Президентини соврини учун «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўйича аънаваний «Ташаббус» танлови ўтказиб келинмоқда.

Танлов ташкилотчилари ва таъсисчилари — Республика давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, «Бизнес-фонд», «Хунарманд» уюшмаси, Ўзтадбиркорбанк, «Мадад» сугурта агентлиги, «Узулгуржисавдо» акциядорлик компанияси, қатор банклар ва Ўзбекистондаги бошқа ташкилотлардан иборат.

Жорий йилнинг февраль ойида бошланган танлов марафонларида, барча туман, шаҳар ва вилоят босқичларида жами 5045 нафар тадбиркор, 3075 нафар фермер, 3410 нафар хунарманд иштирок этди. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, танловдан мақсад — энг яхши тадбиркорларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиш, экспортга йўналтириш.

Иштирокчиларга қуйидаги мезонлар бўйича баҳо берилди: йил бўйича молиявий хўжалик фаолиятининг комплекс кўрсаткичлари, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш ва қўллаш, янги иш ўринлари яратиш, жамоатчилик ҳаётида ва хайрия фаолиятида иштирок этиш.

Таъкидлаш керакки, «Ташаббус» танловининг ўтказиш даврида мам-

лакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг қатор йўналишлари аниқланди, шунингдек унинг маквеи ўси. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон бозорида мустақам ўрин эгаллаган «Ривож», «ПГС», «Бер-АД», «Мирсазава», «Сайкал» ва шу каби кўплаб фирмалар.

## «ТАШАББУС-2003» НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

ган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг қўллаб-қувватлашдан иборат.

Иштирокчиларга қуйидаги мезонлар бўйича баҳо берилди: йил бўйича молиявий хўжалик фаолиятининг комплекс кўрсаткичлари, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш ва қўллаш, янги иш ўринлари яратиш, жамоатчилик ҳаётида ва хайрия фаолиятида иштирок этиш.

Таъкидлаш керакки, «Ташаббус» танловининг ўтказиш даврида мам-

## БРЕМЕН ЎЛКАСИДА — НАВРЎЗ

Германия ва Ўзбекистон бир-бирдан минглаб километр узоқликда жойлашган бўлсада, лекин бу масофа икки халқ маданияти, тарихини ўрганишга тўсик бўлолмайди.

Наврўз — баҳор байрами Бремен шаҳрида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси, ушбу ўлка пахта биржаси ва «Ўзбекистон-Бремен» дўстлик жамияти томонидан ташкил этилиб, кенг нишонланди.

Байрам тадбирида Германия ҳукумати, мамлакат парламенти, ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, журналистлар, шунингдек Бремен олий ўқув ортларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Германия маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари ҳамда бир пайтада «Ўзбекистон-Бремен» дўстлик жамиятининг президенти Э. Мочман ва Бремен ўлкаси пахта биржаси бош директори Р. Вельман байрам табригини айтишди. Нотиклар ўз сўзларида ҳозирда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши, келгусида ўз-ўз муддатли ва катта имкониятга эга бўлган истиқболларга қаратилганлигини таъкидладилар.

Аслам АКБАРОВ,  
«Жаҳон» АА.  
Бремен.

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ҚИРҒОҚЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Жорий йил баҳори серёғин бўлган. Бу ўз навбатида тошқинларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг билан Чирчиқда табиат «инжиклиги» хавфсиз бўлиши, шаҳар халқ хўжалигига талафот етказмаслиги, аҳоли тинчлиги бузмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўришмоқда.

## ХИММАТ

Ангрэн тоғлар ёнбағрида жойлашган. Унинг ҳудуди тошлоқ. Шу боис бу ерларда боғ-роғлар, дарахтзорлар яратиш анча мушкул.

Лекин, шунга қарамай, кўкаламзорлаштирилаётган майдонлар кўпайиб борапти. Бунда тадбиркорлар ҳам яқинда кўмак беришяпти. Чунончи, фарғоналик боғбон Абдурахмон ҳожи Аҳмедов шаҳардаги мавжуд айрим бўш ерларни ўзлаштириб, уларда боғ ташкил этиш тақлифи билан чиқди.

Шаҳарнинг мутасадди ташкилотлари маъмуриятлари уни қўллаб-қувватладилар. Тадбиркорга бўш жойларни ижарага бердилар. Ангрэн маиший касб-ҳунар коллежи яқинидаги 28 гектар майдонда, шунингдек, болалар истироҳат ва дам олиш боғи енидаги 8 гектар ерга Фарғона водийсидан келтирилган мевали дарахт қўчатларини экиш ишлари жадал бошланиб кетди.

## «Электркимёсаноти» очик турдаги акциядорлик жамиятида асосий маҳсулот — мадани ўғитлардан ташқари кўплаб халқ истеъмолчи моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

### НАМАНГАНДА ҲАМ ОЧИЛДИ

Ўтган йили бу кўрсаткич бўйича бир миллиард сўмлик марра эгалланди. Бундай маҳсулотларнинг муайян қисми корхонага қаршли фирма дўконларида сотилапти. Жамиятнинг бундай савдо тармоғи янги йилда яна биттага кўпайди. Энг сўнгисини Наманганда очилди.

Шокир ТУҒОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хохишига кўра тасарруф этадилар.
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Фармоннинг мазкур бандидан келиб чиққан ҳолда амалдаги барча низоми ва меъёрларни қайта кўриб чиқсин.

публикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тақсимотчилик вазифаларидан озод қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари-дан воз кечиш назарда тутилсин.
Куйдагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:
қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини ўтказиши;

шувга барҳам бериш кўзда тутилсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларни қайта ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги намунавий шартномаларни белгиланган тартибда тасдиқласин.
Мазкур шартномаларда куйдагилар кўзда тутилсин:
асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мақкеи;
томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;
маҳсулот етказиб бериш, ишлаб бажариш, хизмат кўрсатиш ҳамда шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб-ки-тобларнинг тартиби ва аниқ муддатларини белгилаш;
шартномавий муносабатлар мазмунини ва моҳиятини бош вазифа – асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-ҳаражат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундириш; шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш.

ҲИНДИСТОН САВДО КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилаётган товарлар савдо кўرғазмаси очилди. Мазкур кўрғазма республика Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ва Ҳиндистоннинг савдо ва тижорат палатаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Мазкур кўрғазмада Ҳиндистоннинг ўн бешта йirik компанияларида тайёрланган маҳсулотлар тақдим этилди. Айти пайта Ҳиндистоннинг дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўндан зиёд йirik компаниялари, беш мингдан кўпроқ кичик корхоналарида тайёрланаётган дорилар ва тури мураккаб препаратлар дунё бозорларида ўз мижозига эга. «SAVERA IMPEX» фирмаси эса, Ўзбекистон бозорларида ўзининг юздан ортиқ турдаги дармон дориларини тақдим этиш ниятида кўрғазмада иштирок этмоқда. Шунингдек, қурилиш-саноат моллари тақдими ҳам кўплаб ҳамоқларимизнинг диққатини жалб этди.
«Туркистон-пресс».

ЎШЛАР – НАРКОТИКЛАРГА ҚАРШИ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги саноат-қурилиш коллежида бўлиб ўтган семинарда захарли «оғу» билан «ҳазиллашиш»нинг аянчли оқибатлари хусусида сўз борди. Тадбирни «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Семинарни наркологалар, шифокорлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи мутахассислар олиб борди.
Статистика маълумотларига кўра, Марказий Осиё минтақасида ОИТС билан касалланган кишиларнинг аксарияти – бу наркотикларни инъекция йўли билан истеъмол этувчи ўшлардир. Вилот ОИТС маркази мутахассислари семинар иштирокчиларига бу аср вабосидан қандай қилиб ҳимояланиш мумкинлиги ҳақида сўзлаб берди.
Семинар сўнгиде эса унинг иштирокчилари «Соғлом авлод гунчалари» театр-студиясининг ёш актёрлари томонидан долзарб мавзуда тайёрланган томошани кўрдилар.
А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ВИЛОЯТДА КЕЗАР НАВРЎЗ ШУКЎҶИ

хаваскорлик дасталарининг ижрочилари йигилганлар хизматига бўлишди. Савдо-сотик, ярмаркалар уюштирилди. Спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда ёшлар



қатори фахрийлар ҳам қатнашдилар. Атракционлар кун бўйи ишлаб, кичкинтойларга қувонч улашди.

Анъанага амал қилиб, шу кун ёрдамга муҳтожларга байрам совғалари тарқатилди. Шаҳар ҳокимлиги ва кўпгина жамоат ташкилотлари вакиллари кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, бемор фахрийлар ҳузурига ташриф буюриб, уларни байрам билан табриқладилар ва совға-саломлар улашдилар. 14-мехрибонлик уйи тарбияланувчилари учун алоҳида байрам дастурхони ёзилди, кийим-кечаклар, ўқув қуроллари совға қилинди. Наврўзи оламини йигирмадан ортиқ миллат фарзандлари умумхалқ байрами сифатида бир жон-бир тан бўлиб, аҳил ва иноқликда нишонладилар.
Бу йилги Наврўзнинг ўзига хослиги, янгича ташкил этилганини шундан ҳам кўрса бўладики, ҳар бир ҳудуд ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган энг яхши анъаналар, энг яхши удумлари бутун буй-баста билан намойиш қилди.
Жумладан, Тошкент туманида умумхалқ сайли «Байрамлар сайилгоҳи»да маҳаллалар, хўжалиқлар, корхона, муассаса, фермерлар

ри ва қишлоқларидаги 78 маҳаллада ҳам баҳорий бу айём зўр шод-хуррамлик билан нишонланди.
21 март кун Паркент тумани марказидаги сайилгоҳ эрталабдан оқ Наврўз тантаналари иштирокчилари билан гажум бўлиб кетди. Тумандаги 11 та ширкат хўжалиги ўзлари учун алоҳида ажратилган саҳналар беэаб, байрам дастурхонлари ёздилар.

Байрам тантаналари ободончилик, саранжом-сарихалик бўйича голиб маҳаллалар, турли фанлар бўйича ўтказилган олимпиада ўйинларининг республика ва халқаро босқичлари иштирокчилари бўлган ўқувчиларни шарафлаш билан бошланди.
Қишлоқ ва хўжалиқлар ўртасидаги кураш мусобақалари байрам сайиларини бошлаб берди. Арқон тортиш, тош кўтариш каби қизгин беллашувлар тантаналарга завқ-шавқ бахш этди. Варрак учирш мусобақасида қатнашган юзлаб болажонларнинг қувончлари, айниқса, чексиз эди.

Наврўз тантаналарида иштирок этган 25 мингдан зиёд паркентликлар туман бадий хаваскорлари, фольклор дасталари, шунингдек, республика телерадиокорпорацияси қоидадаги дуторчи қизлар дастаси иштирокчидаги катта байрам дастурини томоша қилиб, мириқиб хордик чиқардилар.
Оққўрғон тумани меҳнатқашларининг Наврўз байрами «Ором» дам олиш масканида ўтказилди. Эрталаб соат 8.00 дан 10.00 гача туман ахлига ҳалим тортилды.

Соат 10.00 дан таниқл хонанда Озодбек Назарбеков бошлиқ санъаткорлар гуруҳи ҳамда туман бадий хаваскорлари махсус байрам концерти дастури билан Наврўз сайлини бошлаб бердилар. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, голиб спортчиларни шарафлаш маросимлари ўтказилди.
Оилавий спорт мусобақалари, маҳалла ва хўжалиқлар вакиллари ўртасида кураш, енгил атлетика, футбол беллашувлари бўлиб ўтди. Оққўрғоннинг «Ақмал» ва Янгийўл шаҳрининг «Янгийўл» футбол жамоаларининг учрашуви ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Наврўз тантаналари тумандаги 13 та ширкат хўжалиги, қишлоқлари ва маҳаллаларда шомгача давом этди.

Зангиота туманининг Ўртаовул, Хонобод, Чоштепа, Чигатой Оқтепаси, Иттифок ва бошқа шаҳарча ва қишлоқларидан келган ёш қари эрта тонгда Эшонгузар шаҳарчасидаги сайилгоҳи тўлдирди.
Карнай-сурнай садолари остида Наврўз тантаналари бошлаб юборилди. Майдон ва кўчалар ҳар доимгидан ҳам ўзгача чирой касб этди. Байрам тантаналари болақайларнинг шўх-шодон рақси билан бошланди.
Унга тумандаги хушовоз хонандаю созандаларнинг куй-қўшиқлари улашиб кетди.

Умумхалқ байрами файзли, кўтаринки рўҳда ўтиши учун барча қулайликлар яратилди. Жумладан, озик-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хўжалик моллари, кийим-кечаклар ярмаркалари ташкил этилди. Бир томонда миллий курашимиздан тортиб турли спорт ўйинларига, хаваскорлар уюштирган беллашувлар, варрак ясовчилар баҳси кечгача давом этиб, сайлга йигилганларда катта қизиқш уйғотди. Таниқл санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар дилларга байрамона шукўх бахш этди. Айниқса, биринчи синф ўқувчиси Юлдузхон Зўрридинованин Хоразм лазгисига тушган рақси барчанин олқисига сазовор бўлиб, бешқўрғонлик Муяссар Харасова ва маданият уйи хаваскорларининг байрамона қўшиқлари кўп миллатли туман аҳлисига хушнудлик улашди.

Бўжа туманида ҳам байрам тантаналари кўтаринки рўҳда ўтди. Турли савдо марказлари, хунармандлар намойиш этган санъат дурдонлари кўрғазмалари байрам тантаналари иштирокчиларининг ёдида узок қоладиган бўлди. Дошқозонларда ош дамланиб, фахрийлар, кам таъминланганлар ва кенг омма тўкин дастурхон атрофида тақдир этилди. Ҳокимлик вакиллари ва хомий ташкилотлар буюкчисини йўқотган ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, совғалар улашди.

Туман спорт қўмитаси мактаб ўқувчилари ўртасида турли спорт мусобақаларини уюштирди. Голибларга хомий ташкилотларнинг қимматбахо совға-саломлари топширилди. Маданият уйи ходимлари шодмеларнинг кўтаринки рўҳда ўтишида беминнат хизмат кўрсатишди.
— Наврўзи байрами чинакам умумхалқ сайлига айланди, — деди туман «Манаъият ва маърифат» марказининг раҳбари Малика Мирзаева. — Байрам иштирокчилари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бундай шодмелалар одамларимиз маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг онгига она-Ватанимиз, шу азим ва азиз дёнрмига учун ифтихор туйғуларини ҳуқур синдиришга хизмат қилаётди.
Пскентликлар баҳорий гўзаллик ва нафосат байрамини алоҳида бир тантана би-



Уларнинг аксарияти ҳар йили 60-65 центнерга етказиб ҳосил етиштиришаётир.

Даромадиниз ҳам шунга яраша бўлапти. Бахтимдан ўрғилайки, ўтган йили оиламиз билан баракали хирмон кўтариб, 62,6 тонна ҳосил олдик. Юқори ҳосил етиштирган Мукаддас Маъмурова хонандани 31, Мунис Рашидова оиласи 25,8 тонна бугдой олди.

Бундан рўҳланиб, хўжалигимизнинг оила пудратчилари кузги бугдойни қиска муддатда экиб олишди. Тўйдириб озиклантирилган ниҳолларимиз ҳозирги баҳор кунлари гулрираб усаапти.

Гулбахор шаҳарчасида, Янгийўл тумани қишлоқларида байрам тантаналарига «Гулбахор», «Мерос», «Соғинч» дасталари ва гуруҳлари, хаваскор циркчилар, «Табассум» кичик театри ва «Бахт» шоу гуруҳининг хаваскор санъаткорлари бир олам шод-хуррамлик бағишлашди. Чиноз ва Куйичирмқ туманларида, Тўйтепа ва Қибрайда ҳам Наврўзи олам файзли нишонланди.

Шу кун Бўстонлик йигит-қизларининг қувончи чексиз эди. Негаки, Ғазалкент шох кўчаси бўйида мухташам бир сарой барпо этилиб, ёшлар маркази ташкил қилинди. Унинг нилий куббаларида хали кўш нурлари жил-валанмасдан туриб, янги маърифат ва маънавият маскани оладидаги кенг майдон ёш кекса билан тўлди. Оқсоқоллар, ёшлар маскани ўсмирлар, ўқувчи ёшлар ва талабалар камолотига, баркамол навқирон авлод тарбиясига хизмат қилсин, дея тилак билдиришди.

Байрам кун миқсин кўнгиллар овланиб, етим-есирлар, камхарж хонандоларга совға-саломлар улашилди. Хайрия тadbирларининг марказий, асосий босқичи ҳарбий билим юртида



Байрам кунлари шаҳар ва туман марказларида, кичик ва ўрта хусусий бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кенг намойиш қилинди. Халқ амалий санъати буюмлари кўрғазмалари, кенг истеъмол товарлари ярмаркалари байрам тантаналарининг иштирокчиларида катта қизиқш уйғотди.

Наврўз тантаналари вилотиятимизнинг олис-қиян шаҳар ва қишлоқларида янгича руҳ билан давом этмоқда, белни маҳкам боғлаб, далага чиққан деҳқонлар боғбонлар меҳнатига кут-баракат бўлиб сингмоқда.

МирсобиР МИРҲАМИДОВ, Абдусамид ЙУЛДУШЕВ, Шаакат ҚУЛИБОВЕ, Рашиан ЕҚУБЖОНОВ, Ҳасанбой САДУЛЛАЕВ, Жўрабек МУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбирлари.
СУРАТЛАРДА: вилотиятимиз шаҳар ва туманларида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар.
Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олаш сурат-лаҳзалар.



уошмалари, кичик корхоналар жамоалари вакилларига баҳорий ноз-неъматлар билан тўкин-сочин дастурхон атрофида Наврўзи оши ҳамда ҳалим тортиш билан бошланди.

Тантана иштирокчилари ҳарбий таълим академияси курсантларининг спорт кишиларини, маҳаллалар, мактаб ва коллежалар, боғчалар ва ташкилотларнинг байрам дастурларини мириқиб томоша қилишди. Улар бадий хаваскорлик жамоалари билан биргаликда қўшиқлар айтиб, рақсларга тушишди. Савдо кўрғазмаларида туман тadbиркорлари ишлаб чиқарган кенг истеъмол буюмлари намойиш қилинди.

Айёмнинг сермазун ва файзли бўлиб ўтишида Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов бошчилигидаги санъаткорлар ҳамда Тошкент тумани маданият ишлари бўлими бадий дасталарининг хиссаси катта бўлди.
Охангарон тумани қишлоқлари бу тонгда ўзгача бир файз ва латофат касб этди. Бирлик қишлоғи ва Навоий шаҳарчасида 7,5 километр узунликдаги газ тармоғида шу тонг илк дафъа зангори машъала порлади. Қорахитойда Охунбобоев номи савдо уйи очилди.

Шу каби дилхуш янгиликлар Наврўзи оламини ошонларга чиққан 31 минг нафардан ортиқ охангаронликлар кўнглини қувонч ва шод-хуррамлик сурурлари билан сарафроз этди. Наврўз тантаналарида 10 та болалар боғчаси



нинг тарбияланувчилари, 53 та мактаб ўқувчилари ўз истеъдодларини ўзгача бир хушнудлик билан намойиш этишди. Туман кўрғонла-

ри ва қишлоқларидаги 78 маҳаллада ҳам баҳорий бу айём зўр шод-хуррамлик билан нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2003 йил 24 март.

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).



